

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 222 (10.527)

2005 ЙИЛ 14 НОЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни
Янгиликлар, воқеалар

КўСА
спорти

● **ЎТГАН** куни Жуковский номидаги клиник шифонада "Камолот" ЁИХ Учтепа туман бўлими Кенгаши, Тошкент Давлат юридик институти "Камолот" ЁИХ бошланғич ташиқоти ҳамкорликларида "Хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўналиши бўйлаб кетаётган тарғибот поезди. Тошкент шаҳар бекатлари" лойиҳаси доирасида уюштирилган тadbир Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланди.

● **КЕЧА** "Камолот" ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан Навоий номидаги опера ва балет академик Катта театри биноси ҳудудида уюштирилган ободонлаштириш ишларида туманлар сардорлар ва етакчилар кенгаши аъзолари иштирок этишди.

● **БУГУН** Тошкент қурилиш коммунал касб-хунар коллежидида "Маънавият ва маърифат" марказининг Учтепа туман бўлими ташаббуси билан бўлиб ўтган тadbир "Гивандликка қарши кураш" деб номланди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги мактабларнинг фаол, иқтидорли ўқувчилари "Камолот" ЁИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан Тошкент хайвонот боғига экскурсия қилишди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар прокуратурасида "Мамлакат иқтисодийтини ривожлантиришда тadbиркорларнинг ўрни" мавзусида ўтказилган анжуманда тadbиркорлар, хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирок этишди.

● **БОРОВСКИЙ** номидаги тиббиёт коллежидида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагоглари иштирокида "Касб-хунар таълимида ўқитиш ва ижтимоий ҳамкорлик" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

— Спорт фарзандларимизнинг характерини тоблайди, қалбида ўз халқи, юрти билан фахрланиш туйғуларини шакллантиради. Зеро, гурур, фахру ифтихор инсон учун ўз мақсадларига эришишда мадад бўлади, — деди Юртбошимиз куни кеча Оксарой қароргоҳида бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида сўзлаган нутқида.

Болалар спортини



ТУМАНДА ЯНГИ МАЖМУА

Дарҳақиқат, кейинги йилларда болалар спортини ривожлантириш бўйича юртимизда мисли кўрилмаган кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда ёшларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиб вояга етишига хизмат қиладиган, замонавий, барча қулайликлар яратилган, спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозланган спорт мажмуаларининг қисқа фурсатларда қурилиб ишга туширилаётгани фикримиз исботидир.

Шаҳримизнинг Мирзо Улугбек туманидаги А.Юнаний мавзесида ҳам ана шундай тантана — «Югнакий» болалар спорт мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Туман аҳолиси, хусусан ёшлар қалбини қувончга тўлдириб, катта-кичикнинг футбол, волейбол, баскетбол, мини футбол, кўл тўпи, кураш, бадийи ва спорт гимнастикаси каби спортнинг 13 тури бўйича шуғулланишига имкон яратилган ушбу мажмуанинг қурилиши учун жами 940 миллион сўм маблағ сарфланди. Шундан Тошкент шаҳар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 500 миллион сўм, қолгани шаҳар, туман ҳокимлиги ва бошқа

ҳомий ташкилотлар томонидан таъминланди.

— Бундай замонавий спорт иншоотларининг бунёд этилишидан келажақ авлоднинг ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлиб



вояга етиши каби қатор хайри мақсадлар кўзланган, — дейди Тошкент шаҳар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раиси Аскар Тolibжонов. — 2005 йилнинг манзилли дастурига мувофиқ ушбу мажмуадан ташқари Учтепа туманидаги 13-мавзеда, Шайхонтоҳур туманидаги Белтепа мавзесида ҳам болалар спорт мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилади. Ушбу спорт мажмуалари тўлиқ спорт анжомлари билан жиҳозланмоқда.

Спорт мажмуини аста айланаб, айтаётган фикрлар бежизга эмаслиги, кўзлари чақнаб турган болажонлардан эртага албатта янги-янги чемпионолар, юртимиз доврўғини олам-

га таратадиган паҳлавонлар етишиб чиқишига ишонч ҳосил қилдик.

— Уч йилдан бери «ЖАР» спорт мажмуасига қатнаш эдим, — дейди ўзини Ўткир Қиличев деб таништираётган болажон. — Ота-онам ҳамisha ёнимда бориб келишарди. Маҳалламизда мана шундай чиройли спорт масканининг очилгани зўр иш бўлди. Эндиликда узоқларга қатнаб сарсон бўлмаймиз. Ўртоқларим билан қаратэ, кураш тўғарақларига аъзо бўлдик.

Ха, Ўткиржоннинг гапларида жон бор. Ушбу спорт мажмуи

кўплаб ёшларнинг узоғини яқин қилиб, спортнинг хоҳлаган тури бўйича маҳалланинг ўзида шуғулланиш имкониятини яратди. Унда бир кунда 600 дан 800 нафаргача болалар учун шарт-шароитлар яратилишининг ўзи яна қанча жажжи болажонларнинг юрагида спортга ҳавас уйғотиб, ўз бағрига чорлаши аниқ.

«Югнакий» спорт мажмуининг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев иштирок этди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Югнакий» спорт мажмуи очилишидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Шунингдек, телерадиодас-турларни тарқатиш билан шуғулланадиган хўжалик юр-тувчи субъектларнинг қўшимча каналлар очиб ва қармор худудини кенгайтириш, хўжалик юр-тувчи субъектларни рўйхатга олиш ҳамда қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қатор аризалари кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда теледастурлар ва радио эшиттиришлар соҳасида радиочастоталар кўламини самарали қўланишни таъминлашга доир чора-тadbирлар тўғрисидаги ҳукумат қарорини бажариш доирасида радиочастоталарни тақсимлаш ҳамда теледастурлар ва радио

эшиттиришлар соҳасида фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи яқка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

Тошкент, Бухоро, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Жиззах ва Хоразм вилоятлари телерадиокомпания ҳамда студи-

ялари телерадиодастурлар учун частоталарни тақсимлаш бўйича танловда ғолиб чиқди.

Мажлисида телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган хўжалик юр-тувчи субъектлар фаолияти мониторингинг натижалари тўғрисидаги ахборот тингланди.

XXVI сағоси
аср
Барча маббалардан олдинга сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 14-15 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Россия мамлакатида бўлади.

● Тошкентда ақли заиф ва имконияти чекланган болалар ўртасида Марказий Осиё давлатларининг биринчи махсус олимпиади уйинлари бўлиб ўтди.

● Самарқанд — Бухоро автомагистралининг Жондор тумани ҳудудидаги қисмида йил охиригача янги кўприк фойдаланишга топширилади. Узунлиги 75 метр, кенлиги 25 метрлик янги кўприкнинг қурилиш ишларини Бухоро автомобиль йўлиридан фойдаланиш бошқармаси бунёдкорлари амалга оширмоқда.

● Кўкон шаҳридаги «Факел» Ўзбекистон — Россия кўшама корхонасида нефть ва газ саноати учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда тайёрланаётган махсулотлар ақинда ИСО 9001 сифат сертификатига эга бўлди.

● Бекобод туманидаги «Далварзин таъмир» очик акциядорлик жамиятида яна бир янги махсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди — Россия технологияси асосида бу ерда резина шлангларнинг ҳар хил турлари тайёрланмоқда.

● Бухоро шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳузурида «Мадад» аёллар маркази фаолият кўрсатмоқда. Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга касб-хунар ўргатиш мақсадини ўз олдига қўйган ушбу марказ кўмағида йил охирига қадар 90 га яқин киши касб-хунар эгалланди.

Жаҳонда

● Ўн тўрт йил давом этган фуқаролик урушидан сўнг Либерияда президентлик сайлови бўлиб ўтди. Қизиги шундаки, сайловда икки номзод кураш олиб борган бўлса, бири собик футболчи Жорж Веа, иккинчиси эса аёл киши — Эллен Жонсон-Серлиф хоним. Натижалар икки ҳафтадан сўнг эълон қилинади.

● БМТ Бош ассамблеяси кўпчилик овоз билан АКШнинг Кубага нисбатан иқтисодий қамалини бекор қилиш бўйича 14-бор резолюция қабул қилди.

● Хитой Давлат ахборот маркази маълумотларига кўра, Хитой келгуси йилда оян қийматини аста-секин ошириб боришни кўзда тутмоқда.

● «Боинг-777-200 LR Worldliner» йўловчи самолёти 23 соатлик парвозни амалга ошириб, янги жаҳон рекордини ўрнатди. Самолёт Гонконгдан Лондонгача бўлган 20255 километрлик масофага тўхтовсиз парвозни бажарди.

Карор ва ажро

ШИРКАТЛАРНИНГ ЮМУШЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 октябрда бўлиб ўтган 2005 йилнинг тўққиз ойида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш билан боғлиқ устувор вазифаларнинг бажарилишига бағишланган мажлисида, жумладан, мамлакатимизда уй-жой-коммунал хўжалиги тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш дастурларини амалга ошириш бўйича қўриб олинган чора-тадбирлар, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий инфратузилма объектилари ва уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумотларга кўра, уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида бозор механизмлари жорий этиш мақсадида уй-жой эгалари ширкатларини ичмаллаштириш ҳисобига 44 уюшма ташкил этилган. Улар таркибидagi ширкатлар сони эса 2 минг 129 тани ташкил этади.

Мамлакатимиздаги деярли барча кўп қаватли турар жойлар янги чора-тадбирда — уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ) кўмагида бошқарилаётгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Буни, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бир юз қирқ мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган туманда 1 минг 300 дан

зиёд кўп қаватли уй бор. Илгари бу турар жойлар 45 та ширкатга бирлашган эди. Айни пайтда бу ерда 104 та уй-жой мулкдорлари ширкати фаолият кўрсатмоқда.

Айни кунларда барча УМШларда куз-қиш мавсумига тайёрлик ишлари якунланмоқда. Жорий йил режасига киритилган 103 та уй капитал таъмирдан чиқарилди. Хозирда ўттизта кўп қаватли турар жойнинг ертўлаларидаги иссиқ ва совуқ сув қувурларини алмаштириш ишлари ниятисига етмоқда. Чакка ўтиш эҳтимоли бўлган томлар янгиланди. Шунингдек, 2604 та кириш йўлагининг дераза ойналари бутланиб, темир эшиклар ўрнатилди. Икки юздан ортиқ подъездда эса таъ-

мирлаш ишлари давом этмоқда.

— Шу ерда ўсиб-ўлғайганман, — дейди «Бўз-1 коммунал» ширкатига қарашли 8-уй, 24-хонадон соҳибаси Мария Ямщекова. — Бизда иссиқ, совуқ сув ва иссиқлик бериш бўйича муаммо йўқ, электр энергияси ва газ ҳам етарли. Уйимизнинг олд қисми ва кўчамизга асфальт ётқизилди. Шароит яхши, барча тўловларни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб бораёмиз.

— Ширкатимизга тегишли 7 та кўп қаватли уй бор, — дейди маъмур УМШ раиси Раъно Қарраева. — Аввал бу турар жойлар 47 та уйни бирлаштирган «Бўз равон» ширкатига қарашли эди. Уша йиллари кириш йўлаклари ҳамда болалар майдончалари анча қаровсиз аҳолга келиб қолгани рост. Президент Ислам Каримовнинг шу йил 10 февралда эълон қилинган «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айни вақтида қабул қилинди, деб ўйлайман. Унга мувофиқ, аҳоли ва уйлар сони кам бўлган ушбу илҳамгина ширкатимиз ташкил этилди. Мавжуд камчилик ва муаммоларни хонадон эгалари билан биргаликда бартараф этаёмиз.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармасининг йигин пунктда чақирилувчиларни Қуролли Кучлар сафларига тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Кўзи гакириқ

ХИЗМАТГА ОТЛАНАР
АСЛ ЎГЛОНЛАР

Кузатишга бағишланган тадбирда Ватан ҳимоясига қатнаётган аил ўғлонларга ўз тилакларини изҳор этиш мақсадида Миробод тумани ҳокими ўринбосари Улфат Шарифжоев, чақирилувчиларнинг онаси Санобар Эшмухамедова сўзга чиқди. Миллий Армиямиз сафига жўнатилаётганлар номидан сўз олган Саидзаири Фозиев Ватанинг ҳар бир қарч ерини ҳамisha сергаклик ила қўриқлашларини алоҳида таъкидлади.

Тадбирнинг тантанали қисми тугагач, Миробод туман ҳокимлиги ва Мудофаа ишлари бўлими томонидан чақирилувчилар учун байрамона дастурхон тuzалди.

— Бугун туманимиз йигитлари орасидан энг сара, зўқоларини танлаб олиб, жанговар сафларга жўнатыёмиз, — деди биз билан сўхбатда Миробод тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи ўринбосари, майор Олимжон Қорақуллов. — Улар Миллий Армиямиз сафларида имкониятларини намойён қилиб, ўз олдларидagi йигитлик бурчларини сидқидилдан адо этишларига ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, фарзандларига оқ фотиха бераётган ота-оналарни ҳам сўхбатга тордик.

— Тўнғич ўғлим Жавлонни хизматга жўнатишимиздан жуда хурсандман, — дейди Жамолдин ака Эшмухамедов. — Ҳарбий соҳага ёшлигимдан жуда қизиққанман. Лекин бу шароити касбда хизмат қилиш менга армон бўлди, ҳарбий бўлмамди. Хозирда эса ўғлим ҳарбийликка қизиқди. У Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейни тугатиб, ҳарбий билим юртига ҳужжат топширди. Аммо, омади чопмади. Ўғлим хизматни ўтаб қайтгач, яна офицер бўлиш учун ҳаракат қилмоқчи. Интилганга толе ёр, дейишадди-ку ахир.

Чақирилувчи Хуршид Абдурахмоновни онаси Қундузхон опа, тоғаси Валижон Абдуллаев ва бошқа яқинлари кузатишни келишибди.

— Ўзим ҳам вақтида аскарлик бурчимни ўтаганман, — дейди Валижон ака. — Йигит киши учун армия сафида хизмат қилиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, Қуролли Кучларни ҳаёт мактаби дея, беҳиз айтишмайди. Йигитлар ҳарбий хизматда жисмоний чиниқчи баробарида ҳаётга теран кўз билан қарашни ўрганади. Боз устига кейинги пайтда Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ йигитлик бурчини ўташ ҳар бир ўғлон учун шарафли ишга айланиб бормоқда. Янгиин ҳам мударатли хизматни ўтаб, шартнома асосида қолиш нияти борлигини бугун менга айтди. Бундан ота-онаси ҳам хурсанд бўлса керак, менимча.

Комилжон ҲАСАНОВ

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«ГАП ЭГАСИНИ
ТОПАДИ»

Газетанинг 2005 йил 12 сентябрь сонидagi «Гап эгасини топади» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, шахримиз жамоат транспортида йўловчиларга хизмат кўрсатаётган айрим хайдовчи ҳамда чиптачиларнинг эътирозга сабаб бўлаётган баъзи хатти-ҳаракатлари танқид остига олинган эди. Шу муносабат билан «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Тўлқин Дадабоев имзоси билан келган жавоб хатидa қуйидагилар маълум қилинган:

«Тошкент оқшоми» газетасида Мақсуд Қобилонинг «Гап эгасини топади» сарлавҳаси билан чоп этилган мактуби «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси тизимидagi автокорхоналар раҳбарлари ўринбосарларининг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, шаҳар йўналишларидаги мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, ушбу мақола компания тасарруфидagi корхоналарда хайдовчи ва чиптачиларнинг умумий йиғилишларида ҳам атрафлича муҳокама қилинди. Йиғилиш қатнашчиларининг эътибори асосан чиптачи ва йўловчи ўртасидаги ўзаро муомала маданияти, ҳар икки томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг тўлиқ бажарилишига эришишга қаратилди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, хайдовчи, чиптачи, йўловчи ўрталаридаги муносабат долзарб мавзу бўлиб, ходимларнинг хизмат маданиятини юксалтириш юзасидан қўшимча йўриқномалар берилди. Жумладан, хайдовчи ва чиптачилар томонидан ўз хизмат мажбуриятларини тўлиқ бажармасликлари билан бирга, йўловчилар томонидан ҳам жамоат транспортидан фойдаланиб, хизмат ҳақини тўламаслик ҳоллари кўплаб учраб турибди. Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида 2533 нафар йўловчига йўл ҳақини тўламаганликлари учун 1.979784 минг сўмлик жарима солинган.

«АЛДАГАНИ БОЛА
ЯХШИМИ?»


2005 йил 14 сентябрда чоп этилган «Алдагани бола яхшими?» сарлавҳали мақолада «NORTH-STAR» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган мевали музайқ ҳақида ҳамшаҳарларимизнинг эътирози баён қилинган эди. Шу мактуб юзасидан «O'ZSTANDART» агентлигининг Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метеорология бошқармаси бошлиғи Х.Бобохоновнинг имзоси билан тахририятимизга қуйидаги мазмунда жавоб юборилган:

«NORTH-STAR» масъулияти чекланган жамияти фаолияти ўрганилганда, корхона томонидан мевали муз Oz. Dst. 961: 2005 «Музқаймоқ, Техникавий шартлар» Давлат стандарти бўйича ишлаб чиқармоқда. Ушбу Давлат стандартининг 3.9 бандига асосан хушбўйлаштирилган мевали муз турдаги музқаймоқларни стандарт талабларига риоя қилган ҳолда ишлаб чиқариш мумкин.

Корхона жамоаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга мувофиқлик сертификати № SS. UZ. 01.026.0350886 ва 080908 - рақамли гигиеник сертификати мавжуд бўлиб, уларнинг амал қилиш мuddатлари 2008 йил май ойигача белгиланган.

Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метеорология бошқармаси республика назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан 2005 йил 3-4 чоракларда текширувлар режа жадвалига киритилмаганлиги ҳамда корхонада жорий йил июнь ойида комплекс текширувлар ўтказилганлиги сабабли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликлари кафолати тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларига асосан назорат қилиш учун Тошкент шаҳар назорат органларининг текширувини мувофиқлаштириш кенгашига қисқа мuddатли текширув ўтказиш учун мурожаат қилинди.

Қисқа мuddатли назорат ўтказишга руҳсат олингандан сўнг, бу тўғрисида қўшимча маълумот берилади.

Жаҳон ва маҳаллий
ахборот воситалари
хабарларидан

• Исроил парламенти мамлакат бош вазири Ариэл Шарон томонидан илгари сурилган уч нафар номзодни кўпчилик овоз билан рад этди. Гап шундаки, Ариэл Шарон Вазирлар Маҳкамасида ўз тарафдорларини кўпайтириш учун ўта вазирилик — мўлия, саноат ва савдо ҳамда муҳожирлик масалалари бўйича шуғулланувчи вазирилик раҳбарлигига ўз номзодларини илгари сурган эди. Худди шундай ҳолат Қирғизистонда ҳам қайд этилди. Мамлакат Президентини Қурманбек Бакиев томонидан Бош вазирилик биринчи ўринбосарлигига тасвია этилган Дониёр Усеновнинг номзодини парламент рад этди.

• Сўнгги йилларда Хитой автомобиль ишлаб чиқарувчиларни ўзига жалб қилаётган катта бозорга айланмоқда. Lamborghini компанияси биринчи бор ўз маҳсулотларини Хитой бозорига киритди. Мазкур компания ишлаб чиқарган автомобиллар дунёда энг қimmatлиги билан оламга машхур. Корпорация маъмурияти вакилининг билдиришича, сўнгги йилларда хитойликларнинг харид қилиш имконияти ошиб борапти.

• Бойқўнғир космодромда Европанинг Venus Express космик агентлигига қарашли «Союз-ФГ» ракетага зонд билан бирга самога йўл олди. Унинг вазираси зондни Венера сайёрасига элтишдан иборат. Ушбу парвозни ташкиллаштиришдан асосий мақсад сайёрадаги об-ҳавони аниқлаш ҳамда Венеранинг «харитасини» тайёрлашдан иборатдир.

• Икки ҳафтадан ошдики, Францияда тартибсизликлар давом этапти. Бирок мамлакат Ички ишлар вазири Никола Саркозининг «Франс-Инфо»га берган интервьюсида таъкидлашича, безориликлар аста-секин камаймоқда. Тартибсизликлар туфайли мамлакатда фавулодда ҳолат эълон қилинган. Паррижда эса комендантлик соати жорий этилди.

• Эрон парламентининг Миллий хавфсизлик ва ташқи сиёсий масалалар бўйича комиссияси Буяк Британия, Франция, Германия ва Малайзиядан Эрон элчиларини чақириб олиниши сабабларини қўриб чиқишни мўлжаллаб турибди. Элчиларнинг чақириб олиниши сабаблари маъмул қолмоқда. Лекин Эрон Ташқи ишлар вазирилик эътироф этишича, элчилар мuddатли туганганлиги боис чақириб олинган.

• Африкадаги икки қўшни мамлакат — Эфиопия ва Эритрея чегараларида вазият ўта қалтирлашиб бормоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгашига раислигини 1 ноябрдан ўз зиммасига олган Россия Федерацияси Эфиопия ва Эритреяни тинчликни сақлашга чақирди. Яқинда чегара ҳудудига тинчлик миссияси бўйича ишчи гуруҳини жўнатди.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази «Ўзсаноатқурилишбанк» акцияларининг навбатдаги, қиймати 1,8 миллиард сўмга тенг олтинчи эмиссиясини рўйхатга олди. Шу йўл билан банк ўз акционерлик капиталини 17,6 фоизга кўпайтириб, 12 миллиард сўмга етказди. Акциянинг номинал қиймати - 1500 сўм, акцияларнинг умумий сони эса — 1,2 миллион дона.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» САРМОЯСINI КЎПАЙТИРМОҚДА

Банк матбуот хизматининг хабар беришича, акциялар нақд пулсиз шаклда чиқарилади, айти пайта уларнинг ҳаммаси оддий бўлади. Натижада имтиёзли акциялар улуши 17,6 фоиздан 15 фоизга камайд.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ўз фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган яна бир кадам ташлади. Чунки нақд пулсиз шаклдаги акцияларнинг чиқарилиши эмитентлар қимматли қоғозларини «номатериаллаштириш» бўйича жаҳондаги тенденцияни акс эттирди. Бунда ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва қоғозларни сақлаш махсус депозитарий-

лар ва реестр эгалари бўлган компаниялардаги эмитент ва инвесторнинг ҳисоб рақамларида амалга оширилади. Мазкур эмиссиянинг депозитарийси ва реестр эгаси «Avesta Trust» компаниясидир.

Йилдан йилга банк ўз ривожланиш суръатларини ошириб келмоқда. Масалан, 2003 ва 2004 йиллар якунларига кўра, соф фойда 2,53 ва 2,70 миллиард сўм бўлди, ўсиш 6,7 фоизни ташкил этди. Мана уч йилдан бери банкни ҳар йили Ernst & Young нуфузли халқаро аудиторлик компанияси аудит текширувидан ўтказмоқда.

ЎЗА

Тадбиркорлик

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

Сифат бош мезон бўлган жойда маҳсулотларнинг харидорлари ортиб бориши табиий. Шу боис ҳам бугунги кунда бозор ва харидор диди, эҳтиёжини ўргана бориб, сифатли, импорт ўрнини босувчи янгидан янги товарларни, маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқараётган корхоналар ўз истикболларини ўйлаган ҳолда келажакка мустақкам замин яратмоқдалар.

Хусусий тадбиркор Геннадий Тень бош бўлган «TEGEN» корхонаси 1997 йилда фаолиятини бошлаган бўлиб, ҳозирги кунда сифатли, хушхўр, тўйимли қолбаса маҳсулотлари, майонез ҳамда кетчуплар ишлаб чиқариб, харидорларини мамнун қилмоқда.

Ички бозоримизни чуқур ўрганиш натижасида корхонада харидордир қолбасаларнинг ўзидан 54 хили тайёрланмоқда. Аҳил жамоанинг маҳсулотлари пойтахтимиздаги 300 дан ортик овқатланиш тармоқлари, озик-овқат дўконларига етказиб берилди. Шунингдек, республикамизнинг барча вилоят шаҳарларида «TEGEN» савдо белгиси билан чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар аллақачон ўз харидорларини топган.

Этиборли томони, қолбаса маҳсулотлари бугунги харидорнинг дидига мос ҳамда бозор иқтисодиёти шароити талабларига хос тарзда ҳар хил ҳажм, катталик, оғирликда чиройли қадокланган. Майонез ва кетчуплар ҳам цехларда ўрна-тилган Россия давлатидан келтирилган технологик линиялар, дастгоҳ ва ускуна-лар кўмагида тайёрланиб, харидордир, чиройли, қулай, экологик тоза идишларга қадокланиб, савдога чиқарилади.

Сифатли қолбаса маҳсулотлари учун фақат олий навли гўшт ишлатилади, ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари борасида ҳам тегишли шарт-шароитлар яратилган. Қувонарлиси, барча фаслларда ҳам цехларда керакли даража, намлик мейёрида бўлишига эътибор берилди. Озода, саранжом-саришта цехда ишлаётган «TEGEN»чилар ишга катта масъулият билан ёндошдилар.

Ўз касбига меҳр қўйган тадбиркор доимо изланишда, ташаббускорлиги боис ҳам ходимларини фақат истикболли режалар тузиш, уни амалга оширишга қаты-ий ишонч, аниқ мақсад сари етаклайди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

СУРАТДА: корхона фаолиятдан лавҳа.

Наталья Семёнова олган сурат.

ЯНГИ ХИЗМАТ: VISA ELECTRON

Ўзбекистон Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки VISA ELECTRON халқаро карталарида ўзбек сўмларида ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини берадиган қўшимча хизматни жорий этди.

— VISA карталарининг имконият кўлами мунтазам ортиб бормоқда, — дейди Миллий банк пул айланмаси бош бошқармаси бошлиғи Л.Бодягина. — Биз мижозлар билан ишлашини янги шакллари излаяпмиз. Мазкур хизматнинг кўрсатилиши миллий валютадаги нақд пулсиз чакана тўловлар улушини кўпайтириш имконини беради, бу эса ҳукуматнинг республикада нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривож-ландириш ва мустақкамлашга қаратилган мақсад ва вазифаларига мос келади.

VISA карталари эгалари товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳақ тўлаш, ҳисоб рақамидида қолдиқ доирасида

амалга оширилаётган транзакцияларни назорат қилиш, Миллий банк банк-коматлари ва терминаллари тармоғида, келгусида эса VISA га аъзо Ўзбекистон банклари инфратузилмасида операцияларни бажариш имкониятига эга бўлади.

Миллий банк матбуот хизматининг маълум қилишича, чакана банк бизнеси жадал ривожланмоқда, ҳозирги вақтда банк республиканинг барча ҳудудларида 96 бўлимдан иборат тармоққа эга. VISA карталари бўйича нақд пулларни бериш барча вилоят бўлимларида амалга оширилади.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

Муҳожага, муҳожара

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР ТЎЙ КИМНИКИ?

Яқинда бир тўйда бўлдик. Тўймисан тўй. Кўш карнай, кўш сурнай билан куёв-келин кириб келди. Уларни ҳамма ўрндан туриб қарсақ билан қаршила-ди.

Келиннинг отаси Нажмиддин — фан доктори, профессор, куёвнинг отаси Ҳамрохон узоқ йиллар йирик ташкилотларга раҳбарлик қилган, ҳозирда бир қатор хусусий ошхона ва дўконларга эга бўлган тадбиркор. Ҳар иккала қуданинг баобрулиғими, шогирдларининг кўплиғими ёки «еган оғиз уялгандими, ҳар қалай даврада ўтирган меҳмонларга нисбатан ўртада елиб-югуриб хизмат қилиб юрганлар кўп. Улар орасида казо-казо таниш-билишлар, турли соҳанинг тажрибали мутахассислари, етук санъаткорлари ҳам учратасиз. Биров чой ташиган, биров дастурхон тузаган, кимдир терлаб-пишиб яшиқ тўла сув-ароқ кўтарган.

Ўртага тўладан келган барваста йигит тушиши билан тўс-тўполон биров бо-силгандек бўлди. Ўртақаш бугунги тантана сабабчилари — куёв ва келини бироз кутлаган бўлиб, кейин гап тизгинини келиннинг отаси Нажмиддин Билолович ва куёвнинг падари бузруквори Ҳамрохон Мардонович томон бурди. Ҳар иккала отанинг камтарона ўтмишидан бошланган сўз, уларнинг бугунги кунда пиру бадавлат оилага бош эканлиги билан тугади.

Узоқ мактовдан энсамиз қотиб, хайрият энди гал санъаткорларга берилса керак деб турсак, ўртақаш:

— Азиз дўстлар, руҳсатингиз билан энди табрик навбатини Нажмиддин акахонимизнинг иқтидорли шогирдларидан Азим Бердировичга берсақ-да, у кишини қарсақларингиз остида ўртага тақлиф қилсақ, — деб қолди.

Бир йўталиб, бир томоқ қириб даврага кириб келган Азим Бердирович деганлари табрик сўз айтмади, гўё устозининг таржимаи холини ўқиб берди. Охирида устозга узоқ йиллар умр тилади, илм-фан равнақига хали кўплаб ҳисса қўшақлиғига ишонч билдирди. Даврада ўтирганларга қайта-қайта таъзим этиб ўртани тарк этди.

Шундан кейин куётўранинг отаси Ҳамрохон Мардоновичнинг ҳурматли акахонларидан бири Хурсанд Маҳмамович даврага тақлиф этилди. Бу киши ҳам сўз ирод этиш масаласида Азим Бердировичдан ўтса ўтарканки, сира қолишмас экан. Баланд товш, бор куч билан айтаётган ўринсиз мактовлар қулқоларни тешиб юборгудек эди. Ҳамрохон Мардоновичнинг ўзи билмаган, ҳатто етти ухлаб тушига кирмаган ҳислату фазилатларига таъриф бергандан сўнг Хурсанд Маҳмамович «Қалай, қойил қилдимми?» дегандек фоз юриш билан даврдан чиқди.

Энди ўртақаш сўзни қудагай қайиноналардан бирининг яқинларига бермоқчи эди, даврада ўтирганлар «Сўз навбати билан, энди санъаткорлардан эшитайлик» дея шов-шув кўтариб қолишди.

Бу тақлиф эътиборга олинди. Лекин икки жуфт қўшиқдан сўнг яна сўзга сўз уланди. Қизиги шундаки, табрик айтувчиларнинг барчаси куёв-келин бу ёқда қолиб, фақат уларнинг ота-оналари шаънига тилақ билдиришар, уларнинг «ноёб» фазилатларини санаб ўтишарди.

— Вой тавба, бу нима ўзи, биродар? — деб сўраб қолди ёнимда ўтирганлардан бири. — Икки ёшнинг никоҳ кечасими ёки уларнинг ота-оналари туғилган кун нишонланяптими?

— Мен ҳам тўй кимники эканлигини тушунмай турибман, — дедим елка сиқиб. Сўздан сўзининг фарқи бор, албатта. Ҳар бир давранинг ўз мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб табрик айтган яхши. Афсуски баъзи мартабали кишиларнинг тўй тантаналарида асосий сабабкорлар бир четда қолиб уларнинг мансабдор ота-оналари ва қариндош-уруғлари ҳақида оғиз кўпиртириб мактовлар айти-ляптики бу ҳолат кўпчиликнинг гашини келтиряпти. Ўшандай сўзамолларга қарата ушбу байтни келтирсак фойдадан холи бўламиз.

Бугун фақат, бугунги зарурини айтгин сен,
Қолганини қўй бугун, кези келар унга ҳам.

Ҳамдам ХОЛИҚОВ

БАЛОНИНГ БОШИ

Ичкилик ҳақида кўп гапирамиз. Шу иллатнинг балоҳўрлигини била туриб, қўлимизга қадаҳ тутамиз. Яширишга на ҳожат. Ҳозирги пайта ичмайдиган одамнинг ўзи камдан кам топилса керак. Аинқас баъзи аёлларнинг ичкилик домига бери-либ қолаётганлиги ўта ташвишлидир.

Ичкилик туфайли кўз ўнгимизда не-не жиноятлари фалокатлар содир бўлаётганлигини қўриб-нейти турибмиз. Тинч-тову оилалар бошига бемаврид ғам-ташви ёғилишига. Кўпична шу ичкилик сабаб бўлаётгани ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Шундай экан, нега бу балога бошимизни тижамиз. Қўлимиздаги қадаҳ оғу эканлигини бутун вужудимиз билан сеза туриб уни озгимизга оламиз. Баъзан оиламиздаги иқтисодий тангликдан кўз юмиб, қўлимизда бор бўлган беш-олти тангамизни ҳам ичкиликка сарфлаймизда, ўзимизни оқлаш учун «аламимдан ичдим» деймиз. Ва ниҳоят ким ичкилик ичиб, орзу-хавас, мурод-мақсадига етиб-дики, энди биз эришсак.

Ичкилик туфайли балога гирифторм бўлганлар ҳақида юзлаб мисоллар келтири-шимиз мумкин. Яқинда кўз ўнгимизда содир бўлган бир воқеани сизлар билан баҳам кўрсак етарли бўлар деб ўйлаймиз.

Узоқ кўришмаган икки дўст учрашиб қолишди. Ширин сўхбатга ичкилик ара-лашди. Биздан сал нариги столда оғиз-бурун ўпишиб ўтирган тенгдошларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибатини кўрган одам улар киёматли дўстлар эканлиги-га ишонмай иложи йўқ. Кўрган кўзни қувонтириб ўтирган дўстлар орасидан қандай қора мушук ўтганини сезмай қолди, ammo уларни куракда турмайдиган сўзлар билан сўқинишиб, бир-бирларининг ёқасидан олиб турганиларини кўриб хайратда қолдик. Жўжахўрозлардек бир-бирига ташланаётган бу йигитларни кўрганлар ақали бундан ярим соат олдин меҳр-оқибатнинг намунаси сифатида ўтирган тенгдошлар шулар эканлигига сира-сира ишонмасди. Яхши ҳам ўртага милиция аралашди. Бўлмаса бу муштлашувнинг оқибати нима билан тугарди, билмадик.

Яна бир мисол. Аёл дугоналари даврасидан ширакайф қайтди. Уйда уни бетоқат кутиб ўтирган эр хотинининг бу ҳолатидан газаби кўзиди. Ўртада гал-сўз, гина-қудурат, таъна-маломатлар бошланди. Оқибат эр-хотин кўйди-чидкидига бориб етишди. Эрининг дашномларига чидай олмаган аёл ярим тунда хона-дондан чиқиб кетди. Ўртада уч бола сарсон. Айтинг-айтинг, ишқилиб бу кўнгил-сонлиқнинг ниҳояси яхшилик билан тугасин, акс холда болаларга жабр бўлади.


Донлар ичкиликнинг иллоти ҳақида кўп ибратли гапларни айтишган. Улардан мисол тариқасида баъзиларини келтирсак ўринли бўлади, албатта.

«Ичкилик ичиш инсониятга, гарчи у хурсандчилик учун ичиш ҳам, шодликдан кўра кўпроқ мусабат келтиради. Қанчадан-қанча истеъдодли ва забардаст одамлар ичкилик туфайли нобуд бўлдилар ва нобуд бўлмоқдалар».

«Ичкилик одамларнинг жисмоний соғлигини нобуд қилади, ақлий қобилия-тини нобуд қилади, оила ҳаловатини нобуд қилади, энг дахшатлиси, одамлар-нинг қалбини ва уларнинг авлодини нобуд қилади».

Қиссадан ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўз ҳукмига ҳавола.

Ҳақим НОСИРОВ



— Йўл ҳаракати қоидабини бузган, йўл чирокнинг қизил ёнганига эътибор бермай пиддалар хавфсизлиги, автотўқнашувлар содир бўлишига сабабчи бўлаётган ҳайдовчиларни оғохлантираман, керак бўлса жазолаб, жаримага тортаман, — дейди шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ИХБнинг 2-отряд катта инспектори, катта лейтенант Махмуд Йўлдошев. — Токи ҳар бир транспорт ҳайдовчиси фақат ўзининг эмас, балки бошқаларнинг ҳам ҳаётига масъул эканини тушуниб етсин.
СУРАТДА: катта лейтенант Махмуд Йўлдошев ҳужжатларни кўздан кечирмоқда.
Хакимжон Солихов олган сурат.

Божхона хизмати Ўзбекистон давлати учун янги хизмат тури ҳисобланади. У ҳақда «Божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунда тавсиф берилган бўлиб, бу хизмат махсус, ҳарбийлашган асосда бўлади. Чунки божхона тизимларида олиб бориладиган ишлар аниқ мақсад яна йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Божхона хизматида фаолият олиб бориш учун қуйидаги бир неча хусусиятларга эга бўлиш лозим:

— бож йўналиши бўйича етарли мутахассисликка эга бўлиш;
— давлат сиёсатини чуқур билиш;
— ақлий, ахлоқий ва маънавий фазилатларга эга бўлиш;
— руҳий ва жисмоний чиққан бўлиш;
— бирор хорижий тилни мукамал билиш.
Маълум бўладики, божхона тизимида фаолият кўрсатиш учун ҳар томонлама баркамол бўлиш лозим. Чунки божхона хизматида бўлиш ва бу хизматнинг асослари Ўзбекистон шароити учун мутлақо янги соҳадир.

В)руҳий ва жисмоний чиққан бўлиш;
Г)муайян хорижий тилда муомала қила олиши;
Д) аёллиқ нафосатини йўқотмаслик.
Божхона хизматида бўлиш баъзан жисмоний чиққанликни тақозо этади. Бу борада аёллар спортнинг муайян тури билан изчил шуғулланиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Шуниси борки, аёлларнинг жисмоний чиққанлиги кучлилиги билан эмас, балки чаққонлиги билан белгиланишини унутмаслик лозим.
Божхона хизматидаги характерли хусусиятларидан яна бири ходимнинг махсус хизмат кийимида (формада) бўлишидир. Бу борада аёллар яна ташаббускор бўлишлари керакки, улар формани ярашиқли тарзда кийиш билан намуна бўлишлари керак. Форма уларнинг нафосату тароватларини янада очишга хизмат қилиши керак.
Сиёсатшунос олим Н.Блинов «Божхона сиёсатини

Божхона хизмати Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан тасдиқланган иш режаларига кўра амалга ошириб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга қарам бўлмайди» деган давлатини ҳар бир юртдошимиз онги ва қалбига янада чуқурроқ сингдириш юзасидан бошланган амалий ишларни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш мақсадида божхонанинг оғохлик ва ижтимоий фаолликка йўналтирувчи «Маънавият ва маърифат» дарсларида Ватанимиз тинчлиги, халқимизнинг омонлиги улугъ ордат, катта бойлик эканлиги мавзуларига алоҳида тўхталиб ўтилмоқда.

Хусусан божхона бошлиғи, социология фанлари номзоди, полковник Эргаш Икромовнинг «Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак», «Халқаро аҳвол. Тенглар ичра тенглик сиёсати» мавзусидаги маърузаларида Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз кўч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва бўқилмас иродасига боғлиқлиги таъкидланди.

Фавқулодда вазиятлар бошқармасида

КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Республикада олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, бой маданий меросимиз аҳамиятини кенг ёйиш бўйича тadbирлар, миллий мафқуранини шакллантириш, юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, ходимларни умуминсоний кадрларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, Истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш каби маънавий ва маърифий ишлар Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасида йил давомида амалга оширилмоқда.

Божхона хуқуқшуноси Олег Мельник томонидан «Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси» ҳамда «Суд-хуқуқ соҳасини ислохот қилишдан кўзланган мақсад» каби мавзулар кенг ёритиш ёрилади ва божхона ходимлари ўзларини яна иқтирган барча вазоратларга мукамал жавоб олдилар. Бинобарин, суд-хуқуқ ислохотлари сари юртимизда илдам кадам ташланар экан, бундан асосий мақсад, қонунларимизда эътироф этилган инсонларварлик ҳамда одиллик тамойилларини ҳаётимизнинг турли жаҳалларида кенг жорий этиш, ўзаро

хурмат ва қонунийлик асосида юксалаётган фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир.

Ушбу тadbирлар Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. Шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази вакили Ҳамид Ҳакимовнинг «Кучли давлатдан-қучли жамият сари», «Куч билим ва тафаккурда», божхона Аҳolini тайёрлаш маркази етакчи мутахассиси Ҳамза Шодиевнинг «Комил инсон ғояси», «Маънавият ва кадрятлар», Тиббий-биологик муҳо-

фаза бўлимаси бошлиғи, катта лейтенант Мурод Жўрабоевнинг «Соғлигимиз ўз қўлимизда», «Соғлом авлод», божхона бошлиғи ўринбосари, катта лейтенант Раҳматдин Нуралиевнинг «Ватан-мақаддасдир», «Мамлакат хавфсизлик ва барқарорлигини таъминлаш бош мақсад» каби мавзулардаги маърузалари қизикarli баҳс-мунозара тарзида ўтди.



Хуснияҳон ТОҶИБОЕВА, Божхона матбуот гуруҳининг ходими СУРАТДА: божхонада ўтказилаётган тadbирдан лавҳа.

Инсон ва қонун

Гоҳида болаларни қаровсиз қолдириш нохуш воқеаларга олиб келади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ота-онанинг бепарволиги фожиага олиб келди. Р. Д.Сойимов ва Д.Қаюмов қалин ўртоқ. Улар доимо бирга юришадди, мактабга ҳам бирга боришадди.

Қилиш-қидириш

Тўқликдан чиққан шўхлик

Бир кун Р. Д.Қаюмов Д.Сойимовникига борди. Улар ўрикзор бозорига тушишиб, овқатланишди. У ердан чиқиб, Д.Сойимовнинг холасиникига ўтишди. Бироз дам олишгач, «Ватан» кинотеатрига — диско-текага бориб, унинг кириш эшиғи олдида ўйинга тушаётганларни томоша қилишди. Шу пайт Д.Қаюмов ўртоғини туртиб деди:

— Кинотеатрнинг кимки қаватида турт минг долларлик инконтбаҳо нарсас бор. Ушани ўйирлаб, сотсақ яхшигина пул бўлади. Шу ишда менга ёрдам бер. Сенга икки минг доллар бераман.

Бу гап ўртоғига ёқиб тушди. Икковлон иккинчи қаватга чиқишиб, бир хонага киришди. Томошабинлар ўтирадиган ўриндиннинг устига чиқиб, тепада ўрнатилган кинопроектор темир панжарасини қайриб ечишди. Кинопроекторни олишиб, компьютер хонасидаги темир панжарадан ўтиб, қочиб қолишди.

Д.Сойимов ўғирланган нарсани уйига олиб борди. Отаси унинг қўлидан олиб қўйди.

— Қаердан олдинг? — сўроққа тудди ота.

— Ҳеч қаердан. Кўчада ётган экан, — дея ўғли уни алдди.

Ота унинг ўғирланганлигидан гумон қилиб, онага буюрди:

— Манави матоҳни яшириб қўй! Эгаси келиб қолиши мумкин. Тақасалтанг ўғлинг қаердандир топиб келибди.

Онаси эрининг қўлидан кинопроекторни олиб бертиб қўйди. Х.Умаров анчадан буён «Ватан» кинотеатрида ишлайди. Ўғрилиқ содир бўлмасидан олдин у томошабинларга кино кўйиб берди. Сўнг ҳаммаси К.Жўраева аппаратлар хонасининг қалитини бериб, кино туғандан кейин эшиқларни қўлқалаб, аппаратларни ўчириб чиқишни тайинлаб, ўзи пастга тушиб, телефон олдида ўтириб, Соат кечки олтиларда К.Жўраев унга қалитларни топшириб кетди. Орадан ярим соат ўтган, икки киши келиб, кино қўришмоқчи эканлигини айтишди. Х.Умаров уларга чипта сотиб, кичик залга кирди. Шу пайт эалнинг тала қисмида ўрнатилган «SANYO» кинопроекторни йўқлигини кўрди. Дарҳол барча ходимларни йиғиб, кинопроекторнинг йўқолганини айтиб, қидиришга тушишди. Кейин милицияга хабар беришди.

Тез орада ўғирликка қўл ўрган ўқувчилар қўлга тушишди. Д.Сойимов ва Д.Қаюмовларга беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Аммо тайинланган жазо шартли деб ҳисобланиб, ҳар бирига бир йилдан синов муддати белгиланди.

Шерзод УСМОНОВ, Уттепа тумани жиноят ишлари бўйича судининг судьяси, Хонбиби ХИММАТ киз, журналист

«01»

ЭХТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИ — ЁНҒИН

Ёнғин! Бу сўзни эшитган ҳар бир инсон сесканиб кетади. Чунки олов инсонларнинг хонадонига фақатгина иссиқлик, файз олиб келмай, унинг уйларга фалокат ва ғам келтирадиган томони ҳам бор.

Статистика маълумотларига кўра, ер юзида ҳар дақиқада 500-600 та ёнғинлар содир бўлиб, унинг оқибатида 15 дан 60 тагача инсонлар ҳалок бўлар экан. Бу рақамлар устида бир уйлаб кўрайлик. Ахир рақамлар йилдан-йилга кўпайиб бориши мумкин. Ҳар бир рақам ортда эса қимнингдир ёнған хонадон ҳамда оловдан тан жароҳати олган ва энг ачинарлиси, ёнғин оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмган яқин инсонни турибди.

Собир Раҳимов туманида 2005 йилнинг ўтган ойлари мобайнида 47 та ёнғин содир бўлиб унинг оқибатида 970750 сўмлик моддий зарар етган.

Содир бўлган ёнғинлар натижасида кишиларнинг ҳаётдан кўз юмиши ҳоллари оз бераман, лекин бир киши куйиш тан жароҳатини олган. Юқорида кўрсатилган ёнғинлар тахлили, туман ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан амалга оширилган бир қатор чора-тадбирлар оқибатида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анчага қисқарганлигини кўрсатиб турибди.

Юқориде айтиб ўтилганлардан ўзингизга ҳулоса чиқариб ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишингизни сўраймиз. Чунки ёнғинни ўчиришдан кўра унинг олдини олиш осондир.

Ш.УСМОНОВ, Собир Раҳимов туман Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси инспектори, капитан

Мечоҳага БОЖХОНА ТИЗИМИДА АЁЛЛАР ХИЗМАТИНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон мустақиллик йилларида миллий божхона тизимига эга бўлди. 1997 йили Ўзбекистон Республикасида «Божхона Кодекси», «Бож тарифи тўғрисида» ва «Божхона хизмати тўғрисида» қонунлар қабул қилиниши муносабати билан давлатнинг божхона сиёсати жаҳон андозаларига мос равишда ривожлана бошлади. Чунки божхона тизими мамлакат иқтисодий қудратининг асосларидан биридир.

В)руҳий ва жисмоний чиққан бўлиш;
Г)муайян хорижий тилда муомала қила олиши;
Д) аёллиқ нафосатини йўқотмаслик.

Божхона хизматида бўлиш баъзан жисмоний чиққанликни тақозо этади. Бу борада аёллар спортнинг муайян тури билан изчил шуғулланиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Шуниси борки, аёлларнинг жисмоний чиққанлиги кучлилиги билан эмас, балки чаққонлиги билан белгиланишини унутмаслик лозим.

Божхона хизматидаги характерли хусусиятларидан яна бири ходимнинг махсус хизмат кийимида (формада) бўлишидир. Бу борада аёллар яна ташаббускор бўлишлари керакки, улар формани ярашиқли тарзда кийиш билан намуна бўлишлари керак. Форма уларнинг нафосату тароватларини янада очишга хизмат қилиши керак.

Сиёсатшунос олим Н.Блинов «Божхона сиёсатини

— божхона тизими бошқарувида;

— божхона муассасаларида;

— божхона худудларида.

Ишнинг характери, ҳуқуқ ва мажбуриятларига қараб божхона тизимларида аёллар раҳбарлик, персонал хизматчилар ва техник ходимлар сифатида фаолият олиб боради-

лиш;
— ўзгалар манфаатларини устувор билиш.

Аёллар табиятан мураккаб тўсиқларни енгиб ўтишларига тўғри келади. Мисол учун, улар оила қуриши ва рўзгор юмушларини бажаришларига тўғри келади. Халқимизда «излаган имкон топади», деган ҳикмат бор. Шу маънода божхона тизимида фаолиятда бўлувчи аёллар оилани ҳам, касбий фаолиятни ҳам уйғун олиб боришлари керак. Бизнинг фикримизча, божхона тизимларида аёллар фаолиятини талаб даражасида ташкил қилиш учун Ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизматида фаолият кўрсатувчи аёлларнинг тажрибаларини ўрганиш фойдадан ҳоли эмас.

Ўғилрой ИМОМОВА, Тошкент Давлат иқтисодий университетининг «Халқаро бизнес» факультети, Божхона иши мутахассислиги йўналиши 52-гуруҳ талабаси

Шунинг учун мерос, меросхўр, ворислик ва мерос қолдирувчи деган ибораларни яхшилаб тушуниб олиш керак бўлади.

Мерос нима? Мерос деганда биз фуқароларнинг вафот этган чоғида уларга тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисини тушунамиз.

Ҳар бир шахс маълум ҳуқуққа эга бўлади ва шу билан бирга, маълум бир мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Бундай ҳуқуқ ва мажбурият қонда тарихида шахс вафот этганда ўзининг ҳуқуқий кучини сақлаб қолади. Масалан, фуқаронинг жамғарма банкига қўйган омонати бўйича уни қўйган шахс вафот этган тақдирда ҳам банк омонати тўла мажбуриятдан озод бўлмайди. Мажбурият давом этади, фақат талаб қилиб олиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтади, яъни вафот этган шахс томонидан тайинланган ёки қонунда белгиланган меросхўрларга ўтади. Аммо фуқароларнинг ҳамма ҳуқуқ ва маж-

буриятлари ҳам улар вафот этганларидан кейин ўз кучини сақлаб қолмайди, айримлари бекор бўлади. Фақатгина вафот этган шахс ҳаётлигида ундан бошқа шахсга ўтиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига кириши мумкин. Демак, мерос шахс вафотидан кейин унинг бошқа шахсга ўтиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан иборат, аниқроқ қилиб айтганда, фуқарога хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй-жой, автоташна ва бошқа мол-мулклар эмас, балки шу мол-мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқ мерос объекти сифатида мерос таркибига кириди.

Қонун фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқини мерос ҳуқуқи билан бевосита боғлайди, уни бошқа мулк шакллари билан бирга баб-баравар

ши, уни ҳимоя қилиш, мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, мерос таркиби ва уларни сақлаш, бошқариш, қўриқлаш ва тасаруф қилиш, меросхўрларга ўтиш тартиби ва шартларини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат.

Мерос ҳуқуқи мерос қолдирувчи-

нинг ўз мулкига нисбатан вафотидан кейинги хоҳиш-иродасини, шу билан бирга унинг ҳаётлик вақтида мерос

химоа қилади. Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигида мерос ҳуқуқи мероснинг очили-

қолдираётган мол-мулкка нисбатан бўлган муносабатини васиятномада расмийлаштириш йўли билан тартибга солади.

Ворислик эса, мерос мулкнинг маълум шахсларга мерос очилганидан кейин ўтиш тартиби ҳисобланиб, қонунда унинг икки йўли аниқ белгилаб қўйилган. Ворислар қонун би-

«02»: ҲОДИСАЛАР

Бектемир туманида, А.Мин кўчасида жойлашган уйлардан бирининг олдида 1974 йилда туғилган, ишламайдиган, Фаргона вилоятида яшовчи К.Ҳасанов баданида кесилган-шиллинг жароҳатлари билан, маст ва кома ҳолатида ахволда топилиб, Тошкент вилояти клиник шифохонасининг жонлантириш бўлимига ётқизилган эди. Эртаси кун эса у шифохонада ўзига келмай вафот этган.

Тошкент шаҳар ИИББ Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармасининг тезкор ходимлари томонидан кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида, ушбу жиноятни содир этганликда гумон қилиниб 1972 йилда туғилган, ишламайдиган, судланган, Тошкент шаҳрида яшовчи А.Саидхмедовга қўлга олинди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал кодексининг 221-моддасига асосан Тошкент шаҳар ИИББнинг вақтинча ушлаб туриш хонасида дастлабки тергов-суриштирув ишлари давомида айби тасдиқлангунга қадар сақланаётган эди. Ҳозирги вақтда ушбу ҳолат юзасидан А.Саидхмедовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб қотилликнинг сабабларини аниқлаш мақсадида тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Миробод туманида олдин содир қилган жинояти учун қўлга олинган, 1988 йилда туғилган, ишламайдиган, олдин судланган, Тошкент шаҳрида яшовчи Э.Шерматов ва 1985 йилда туғилган, ишламайдиган Д.Саматовларга нисбатан

қўзғатилган жиноят иши юзасидан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари жараёнида аниқландики, ушбу шахслар Тошкент шаҳрида яшовчи Фуқаро К.Ерёмованинг уйига ҳеч қандай йўқлигидан фойдаланиб, девордан ошиб тушиб йўли билан кириб олиб, «Ноутбук-Самсунг» компютери ва «Нокия» русумли уяли телефон аппаратини ўғирлаб кетишган.

Ушбу шахсларнинг ўзи, яъни гумонланувчи Э.Шерматов ва Д.Саматовларга нисбатан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари аниқландики фуқаро Н.Узаровнинг уйига, ҳеч қандай йўқлигидан фойдаланиб, девордан ошиб тушиб кириб, ушбу жиноятни содир этганликда гумон қилиниб 1972 йилда туғилган, ишламайдиган, судланган, Тошкент шаҳрида яшовчи А.Саидхмедовга қўлга олинди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал кодексининг 221-моддасига асосан Тошкент шаҳар ИИББнинг вақтинча ушлаб туриш хонасида дастлабки тергов-суриштирув ишлари давомида айби тасдиқлангунга қадар сақланаётган эди. Ҳозирги вақтда ушбу ҳолат юзасидан А.Саидхмедовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб қотилликнинг сабабларини аниқлаш мақсадида тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Миробод туманида олдин содир қилган жинояти учун қўлга олинган, 1988 йилда туғилган, ишламайдиган, олдин судланган, Тошкент шаҳрида яшовчи Э.Шерматов ва 1985 йилда туғилган, ишламайдиган Д.Саматовларга нисбатан

қўзғатилган жиноят иши юзасидан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари жараёнида аниқландики, ушбу шахслар Тошкент шаҳрида яшовчи Фуқаро К.Ерёмованинг уйига ҳеч қандай йўқлигидан фойдаланиб, девордан ошиб тушиб йўли билан кириб олиб, «Ноутбук-Самсунг» компютери ва «Нокия» русумли уяли телефон аппаратини ўғирлаб кетишган.

Ушбу шахсларнинг ўзи, яъни гумонланувчи Э.Шерматов ва Д.Саматовларга нисбатан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари аниқландики фуқаро Н.Узаровнинг уйига, ҳеч қандай йўқлигидан фойдаланиб, девордан ошиб тушиб кириб, ушбу жиноятни содир этганликда гумон қилиниб 1972 йилда туғилган, ишламайдиган, судланган, Тошкент шаҳрида яшовчи А.Саидхмедовга қўлга олинди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал кодексининг 221-моддасига асосан Тошкент шаҳар ИИББнинг вақтинча ушлаб туриш хонасида дастлабки тергов-суриштирув ишлари давомида айби тасдиқлангунга қадар сақланаётган эди. Ҳозирги вақтда ушбу ҳолат юзасидан А.Саидхмедовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб қотилликнинг сабабларини аниқлаш мақсадида тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Миробод туманида олдин содир қилган жинояти учун қўлга олинган, 1988 йилда туғилган, ишламайдиган, олдин судланган, Тошкент шаҳрида яшовчи Э.Шерматов ва 1985 йилда туғилган, ишламайдиган Д.Саматовларга нисбатан

ҳизмат олиб бораётган Тошкент шаҳар ИИББ Йўл-патруль хизмати ходимлари ҳамда Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари, шунингдек кинология ходими билан «Дон» хизмат ити иштирокида ўтказилган «Қорадори-2005» тadbiri жараёнида, ҳеч қаерда ишламайдиган, Тошкент вилоятида яшовчи Фуқаро Б.Ахроров бошқараётган «Ваз-2105» русумли автоулов тўхталиб текширилганида, унинг йўловчиси, ишламайдиган, судланган, Тошкент шаҳрида яшовчи А.Хайруллаевнинг ёнидан 5,22 грамм героин моддаси топилиб, Ҳозирги вақтда ушбу шахслар ҳибсга олиниб, бу гиванд моддалар қаердан ва қимга олиб кетилаётганлигини аниқлаш учун тергов ишлари давом этмоқда.

Ҳамза туманида, ҳозирги вақтда устидан жиноят иши қўзғатилган, Тошкент шаҳрида яшовчи, фирмалардан бирининг раҳбари Г.А. билан тергов жараёнида аниқландики, у ўз хизмат хонасида, Тошкент шаҳрида яшовчи Фуқаро К.И.ни «чет элга ишга юбораман» деб алдаб, 200.000 сўм пулини олиб қайтариб бермаган. Тергов жараёнида ушбу шахсларнинг ўзи сўроқ қилинганда аниқландики у Тошкент шаҳрида яшовчи Фуқаро С.В.ни «АҚШ давлатига ишга юбораман» деб алдаб 3660 АҚШ долларини олиб кайтариб бермаган. Ҳозирги вақтда ҳибсда сақланаётган айбонли Г.А. га нисбатан қўзғатилган жиноят иши юзасидан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Юлдуз АШИРОВА, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази катта инспектори, майор

Юлдуз АШИРОВА, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази катта инспектори, майор

Юлдуз АШИРОВА, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази катта инспектори, майор

рувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат.

Ворислик — ижтимоий муносабатларнинг алоҳида бир тури ҳисобланиб, мол-мулкнинг ёки мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир шахсдан (мерос қолдирувчидан) иккинчи шахсга (меросхўрларга) ўтиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам, у ҳаммадан аввал, иқтисодий ҳодиса бўлиб вужудга келади, иқтисодий муносабат сифатида вафот этган шахс мулкнинг ёки мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг меросхўрларга ўтиши белгилайди. Бу муносабатлар фуқаролик қонунчилиги қоидаларига асосланиб тартибга солинади.

Демак, ворислик ҳуқуқи вафот этган шахснинг хусусий мулкни, мулк қўлуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсларга, яъни меросхўрларга ўтиш шартлари ва тартибини белгилаб бе-

Адиба ХИДОЯТОВА, ҳуқуқшунос

МИКРОБИОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

Мамлакатимизда илм-фаннинг барча соҳалари каби микробиология ва биотехнология фани ҳам тобора ривожланмоқда. Мазкур соҳадаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаларидан бири — Фанлар академиясининг Микробиология институтида минтақамиздаги микроорганизмлар дунёсининг хилма-хиллигини таҳлил этиш, улар орасидан шўрга, курокчиликка ва юқори ҳароратга чидамли штаммлар танлаб олишга қаратилган кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилаётир.

Илмий натижалар тиббиёт, экология, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ҳамда кон-металлургия sanoati, чорвачилик каби тармоқларни тараққий эттиришда муҳим аҳамиятга эга экани жаҳон ми-

қёсида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон микробиологларининг Тошкентда ўтган учинчи съездида шу ҳақда гап борди. Унда микробиолог ва биотехнолог олимларимиз билан бир қаторда хориждан келган

кўплаб мутахассислар ҳам иштирок этди.

Анжуманда микробиология ва биотехнология соҳасининг фундаментал ва амалий масалаларига бағишланган юздан зиёд маъруза тингланди. Мик-

роорганизмлар хилма-хиллиги ва биологиясини ўрганиш, шу асосда халқ хўжалиги учун фойдали микроорганизмлар яратиш борасидаги жаҳон тажрибаси, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва экологик вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қиладиган янги технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишда илм-фан олдида турган долзарб вазифалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**Б. ХИДИРОВА,
Ўза мухбири**

Шарқ дурдоналари



• Донолардан бири айтди: — Ёмон кишилар билан улфат бўлишдан қочгин. Одамнинг табияти ўғридир. У яхши кишилар билан суҳбатдош бўлганда яхши хислатлардан баҳраманд бўлгани каби, ёмон билан улфат бўлганда ҳам улардан озгина бўлса-да, ёмон хислат ўғирлаб олади.

• Доноларнинг айтишича, ҳар кишини ҳам дўст тутиб бўлавермайти. Дунёда дўстдан кура азизроқ ва қимматроқ нарса йўқ. Айтишларича, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Хусайн ўз отаси ҳақида ҳикоя қилиб қуйидагиларни айтган:

Дадам бир куни менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатлик қилма, улар билан ҳеч вақт суҳбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» деб сўрадим. Дадам деди: «Биринчиси — фиску фужур ахли. Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир лўқма нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одағлари шўхи, сендан доим бир нарса таъмасида бўлишади, агар бермасанг, халқ ичиди сенинг ҳаётингда ёмон гаплар тарқатилади. Одамлар эса гапнинг тагига етмасдан сен билан ёмон муоамала қила бошлайдилар».

— Иккинчиси бахил ва ҳасис кишилар. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг улар ҳеч қанон сенга бермайдилар. Сенинг молу давлатингни эса уялмай ейдилар. Тугаса душманга айланайдилар. Мен бунга ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўпчилигиде дўстларим кўп эди. Камбағалликка тушиб қолганимда эса душманимга айлинишди, таъна тошини отишди.

Дадам давом этиб деди: — Уларнинг учинчиси ёлғончилар. Қимда бу иллат борлигини сезсанг, ундан узоқроқ юр. Улар сени ўз яқинларингдан айриришди ва беғоналарни яқинлаштириди. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат бўлишга аста-секин таъсир ози бошлайди, тўғри йўлдан четлашиб, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа эса лақма, дилида меҳри йўқ кишилардир. Бундай кишиларни мазлуни деб аташ мумкин.

• ҲИКОЯТ. Бир тулки ўрмонда яшар эди. Бир куни эрталаб овоз кез излаганича ҳар томонни ҳеза бошлади. Тасодифан бир товۇққа кўзи тушиб қолди. Уни тутишга бел боғлади. Шу пайт унинг қулугига баян бир овоз эшитилди. У чор-атрофга қараб, дарахт тепасида турган йўғон гавдали, семиз бир нарса кўрди. Иштаҳаси аланга олди. Уша семиз нарсага эришиш мақсадида юз ранжу қулфат билан дарахт тепасига чикиди ва унга чанг солди. Уша нарсанинг ичи бўм-бўш бўлиб, ҳаводан ўзга нарсани йўқ эди. Тулкининг очқўзлиги туфайли бу ноғора унинг кўзига семиз хайвон бўлиб кўринган эди. Шамол таъсирида дарахт шохлари тебраниб, унга урилар ва чиқётган овоз эса хайвон овози бўлиб туюлган эди. Тулкининг дили ҳасрат ўтидан қуйиб, надомат ешларини тўқди. Сўнг ўзига деди: «Эссиз, бу ҳаводан шимган нарсани деб ҳалол сайдимни кўлдан чиқардим, фойдасиз бу йўғон гавдадан ҳеч манфаат етмади!» Китъа:

Ноғора даранглар
тинимсиз вале,
Ичи бўшдир, бундан
нима фойда бор?
Ақлинг бўлса ишининг
тагини ўйла,
Ялтироқ ташига
қилма эътибор!



«Саломатлик — туман бойлик» деганларидек корхонада айниқса ишчи-хизматчиларнинг соғлиқларини тиклашга муҳим аҳамият қаратилади. Бу борада тўла таъмирланиб, замонавий талабларга жавоб берувчи санаторий-профилакторийнинг ўрни катта. Йил ўн икки ой давомига корхона жамоаси ва уларнинг оила аъзоларига хизмат кўрсатувчи ушбу сихаттоҳ раҳбарияти ва касба уюшма кўмитаси режасидан яқин-атрофдаги маҳаллалар, бошқа корхона, ташкилот, муассасалар аҳлини соғломлаштириш юзасидан шартнома тузиш, оталиқдаги болалар борғачалари ва мактаблар тарбияланувчилари ҳамда ўқувчиларига хизмат кўрсатиш ишлари ҳам ўрин олган.

— Сихаттоҳимизни замон талаблари асосида қайта таъмирдан чиқардик, — дейди бош шифокор, олий тоифали врач Малика Солиқхожаева. — Завод ёрдамида алоҳида қозонхона қурдик, иссиқлик тизимини олиб кирдик, бино ва иншоотларни тўла таъмирладик. Санаторийнинг ташқи ва ички қисмларини обдонлаштирдик. Иссиқхонамиз мавжудлиги сабабли бутун кўчатлар, мевачева ва сабзавотлар ўз «боғи»миздан чиқади. «Озиқ-овқаттаъминоти» ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ юқори сифатли озиқ-овқат, жумладан сўт-қатиқ маҳсулотлари билан мунтазам таъминланганмиз. Табиий шарбатларни эса бизга «Мир» фирмаси етказиб беради.

Санаторий-профилакторийнинг биринчи

қаватида шифокорлар, физиотерапия, муолажа хоналари жойлашган бўлиб, гулларнинг кўпчилигидан кўзингиз қувнайди. Иккинчи қават эса дам олишга мўлжалланган бўлиб, икки уринли ёруғ ва шинам хоналардан иборат. Муолажа усуллари ва анжомлари ҳам тур-

сионерларга сихаттоҳга йўлланмалар қиймати қоплаган бўлса, Аналар ва болалар йилда «Оникс» акциядорлик жамиятида меҳнат қилаётган аёллар учун болалари билан бирга дам олиб даволанишлари учун шарт-шароитлар яратилди. Ушбу аънаналар давом этади. 15 кунлик даволаниш курси «Оникс» ишчи-хизматчилари учун бепул бўлса, уларнинг оила аъзоларига имтиёзли йўлланмалар берилди.

Ушбу масканда профилактика масалаларига юқори даражада эътибор қаратиш лозимлиги тамойилга амал қилишди. Айнан шу мақсадда тренажёрлар зали фаолият кўрсатётган бўлиб, тез орада спорт ва ҳаракатли ўйинлар зали жиҳозланади. Шунингдек, кичик стадион қурилиши ҳам кўзда тутилмоқда. Ва мазкур барча хайрли ишларда «Оникс» АЖ бош директори Т.Жўраев, касба уюшма кўмитаси раиси Р.Қудиков, шаҳар тармоқ касба уюшмаси раиси Ш.Исроилов ҳар томонлама мадад беришмоқда.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, касба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ва шаҳримиз меҳнатқашларининг саломатлиқларини мустаҳкамлашга йўналиштирилган даволаш-соғломлаштириш тadbирлари умумий тизимида турли йўналишдаги корхоналарга қарашли санаторий-профилакторийларнинг ҳам ўзига хос муҳим ўрни борлигига шубҳа йўқ.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: «Оникс» акциядорлик
жамияти тасарруфидаги санаторий-профилакторий ҳаётидан лавҳалар.**

Касаба уюшмалари фаолиятидан

ҒАМХЎРЛИК — САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

Ижтимоий ҳимоя, ходимларга ғамхўрлик қилинадиган корхона, ташкилотларда албатта меҳнат ҳам унумли кечадиган. Ана шу оддий ҳақиқатга амал қилган ҳолда «Оникс» акциядорлик жамиятида ҳам касаба уюшма кўмитаси ўз фаолиятини самарали йўлга қўйган.

ли касалликларни шифолашга қаратилган бўлиб, фрезез, УВЧ, солюкс, ёруғлик ванналари, кварц, тубус, Франклин ва Чижевский аппаратлари, гидроаэроионизация, денгиз тузи солинадиган кислород ванналари, циркуляри ва шарко душлари, озакеритли парафин, дармондорили терапия муолажалари дам олувчилар хизматида. Бундан ташқари, улар ҳар куни даволаш жисмоний тарбия машқлари билан ҳам шуғулланидилар.

Ушбу даволаш масканида турли-туман соғломлаштириш тadbирларини ўтказиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш хайрли анъанага айланган. Масалан Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан корхона маъмурияти касаба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда барча ишлаётган ва дам олаётган пен-

Назн улушани

САОДАТ

Ҳар инсон дунёда яшаб ўтади,
Раззоқ берган ризқи бир

кун битади.

Мол-дунё омонат, ҳирс

қўйма асло,

Боқийга, бил, фақат

жонинг кетади.

Сабил қолар молинг

елга совриллар,

Сен савоб йўдини тутсанг кифоя.

Дунёдан ажралсанг фожиа эмас,

У— беш кун, оқибат топгай ниҳоя.

Йиғмонинг ҳамроҳинг бўлсин,

аё, дўст,

Ҳар икки дунёнда қилгай ҳимоя.

БАХТИНГ ҚАЙТАР

Юз ўғирса омад ногаҳон,

Умид узма, чекмасдан фиғон.

Ғам шодликка айланар бир кун

Сидқидилдан изласанг имкон.

Ҳақ бенавис қилмас ҳеч бир дам,
Тангликка тап бермагил, одам,
Тун зулмати тонгга уланар,
Азал шундай яралган олам.

Ишончсизлик иймондан эмас,
Кўнгли бахтга илҳақ эрур, бас
Мени ташлаб кетди демагил
Ёшингдадир омад ҳар нафас

ОНА

Ўзни англамакдир аёли билмак,
Мерос Момо Ҳаводан болам
деб қуймоқ.

Онага гўдаги илк бора қулса,
Бошланар муҳаббат

нашъасин туймоқ.

Онадир гулласин дея бу очун,

Эзгу ниятларни дилга нақш этган.

Бу ҳаёт бўстонини яшнатмоқ учун,

Қалбларга ошuftа

меҳрин бахш этган.

Шоҳу пайғамбарни тўққан онадир,
Аллааб меҳрини тўққан онадир.
Фарзандлар бахтини

Тангридан тилаб,

Тун бўйи заҳматга чўккан онадир,
Она гўё баланд ўсган дарахтдир,
Жазирма чўлда салқини тегар.
Унинг қўсидир қизил атиргул,
Тикан заҳмин чекиб, хуш

ҳидик берар.

Ота-оналиклар яшнаган боғдир,
Етим боғи сўлғин

парварши топмас.

Ҳар нарсани тортган

тамал тошидир,

Она меҳри ўрнин ҳеч

нарса босмас.

Дедилар ким азиз ё Расулulloҳ?
Бош эгиб «Она!», деб

бердилар жавоб».

Оналар пойини айлаб саждагоҳ.
Босган изларини қилайлик таваф.

Абдуғани СУЛАЙМОН



Куз фасли шаҳримиз кўркіга ўзгача файз бағишлайди.



Алексей Попов олган суратлар.

Бельгиянинг Льеж шаҳрида жойлашган Замоновий тиллар институтининг ўқитувчи ва талабаларидан иборат гуруҳ яқинда Самарқандда бўлиб қайтди. 2005 йил январда мазкур икки шаҳар ўртасида Шериклик ва дўстлик тўғрисидаги Битим имзоланган эди. Бельгиялик меҳмонлар мамлакатимизда халқимизнинг бой маданияти, анъана ва урф-одатлари билан танишиш, шаҳардаги бетақдор меъморий ёдгорликларни кўздан кечириш баърида тил ўрганиш курсларида малака оширдилар. Улар Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонасига йўллаган куйидаги мактубда мазкур ташриф давомида орттирган таассуротлар ўз ифодасини топган.

ЛЪЕЖДАН МАКТУБ

«Ўқитувчимиз Мария Малик хонимдан Алшар Навоий номидаги Самарқанд университети ректори бизни Ўзбекистонга таклиф этгани ҳақидаги хабарни эшитиб, мамлакатингизга бўлажак сафарни, у ердаги кўна меъморий ганжиналарни тасаввур қилиб ҳаяжонга тушдик. Биз ўзимиз учун Буюк Ипак йўлини кашф этиш мақсади билан йўлга туланган эдик, юртимизга эса мамлакатингиз халқининг улугворлигидан хайратга тушган ҳолда қайтдик.

Бизга маълум қилишганидек, Ўзбекистонда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Уларнинг ҳаммаси — ўзбеклар, тожик, қозоқ, рус ва бошқалар бирдек очик чеҳра, саҳий ва меҳмондўст. Учрашув давомида улар сиз ҳақингизда кўпроқ билишни истайди, сизга азиз меҳмон сифатида қарайди. Ўзбекистон аҳолисининг ақсарияти ислом динига эътиқод қилади, бошқа дин вакиллари билан ўзаро аҳилликда яшаб келади. Фарб мамлакатларида аста-секин унутилиб бораётган бағрикенглик тушунчасига келсак, биз бу борада ўзимиз учун яхши сабаб олдик.

Биз Ўзбекистонда Самарқанд, Ургут, Шаҳрисабз, сўнгра Хива ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилдик. Бу юртда ўзимизни бегонадек ҳис қилмадик. Ўзбекистонда онгимиз ҳамда шууримизга муҳрланиб қолган бой ва бетақдор таассуротлар унутилмасдир».

«Жаҳон» АА

Анжуманлар

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Шаҳримиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш — дўстона ўқув муҳитини яратиш асоси» мавзусидаги республика конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамкорликда ташкил этдилар.

Ушбу конференцияни ўтказишдан асосий мақсад: таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида янги давлат стандартлари талаблари бажарилишини таъминлаш, таълим сифатини таъминлашда дўстона муносабатдаги ўқув муҳитининг роли, бу борада илғор педагогик технологияларни қўллаш, дўстона муносабатдаги ўқув муҳитида ишлашни таъминлаш учун педагогларнинг билим ва профессионал даражаларини оширишдан иборат эди.

Анжуманда Республика халқ таълими вазири Т.Жўраев, Республика Таълим маркази директори И.Зокиров, А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш марказий институти проректори С.Усмоновлар: таълим муассасаларида дўстона ўқув муҳити, таълим жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш ва дўстона ўқув муҳитини яратишда методистларнинг роли, педагогик технологияларни татбиқ этишининг моҳияти ва

мазмуни, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш мавзуларида сўзга чиқдилар.

300 дан ортиқ ўқитувчилар қатнашган анжуманда асосий эътибор мактабларда дўстона муносабатдаги ўқув муҳитини яратиш бўйича келгуси икки йилга мўлжалланган режани ишлаб чиқишга қаратилди. Бундай режа давлат таълим стандартлари ва дастурлари асосида таълим жараёни, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш борасида барча турдаги таълим муассасаларига кўрсатилаётган методик хизматни янада яхшилашга хизмат қилади. Режани ишлаб чиқишда барча иштирокчиларнинг таклиф, фикр ва мулоҳазалари эътиборга олинди. Шунингдек, конференцияда дўстона таълим муҳитини яратишда ҳамкорлик ролини оширишга қаратилган тадбирлар, янги педагогик технологияларни умумлаштириш механизми масалалари ҳам муҳокама этилди.

Конференцияда барча вилоятлардан келган таълим тизимининг ходимлари, таълим соҳасида иш олиб бораётган турли халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Тадбирлар

БУГУНГИ КҮН АЁЛИ

«Маънавият ва маърифат» маркази Мирзо Улуғбек туман бўлимида «Бугунги кун аёлининг маънавий қиёфаси» мавзусида давра сўхбати ўтказилди.

Тадбирда «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раиси Халима Жуманиёзова сўзга чиқиб бугуннинг аёли ҳар томонлама билимли ва оқила бўлиши билан бирга жамиятимизнинг асосий кучи эканлигини, оилани, фарзандларни кўз қорачигидек асраб-авайлаш қатори саранжом- саришталикни,

пазандаликни ҳам ўрнига қўйиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Давра сўхбати давомида бугунги ёш қизларимизнинг кийиниш, гапирish маданияти, ўзбекона одобу ахлоқи ҳақида мулоҳазалар, мунозаралар ва мушоҳадалар чиқишлар бўлди.

Дарҳақиқат, аёл ҳам

маънан, ҳам жисман гўзалликни ўзига сингдира олиши жоиз. Чунки аёлларнинг жамиятдаги ўрни, маънави тобора ошиб бормоқда.

Тадбирда «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими ходимлари, мактаб ўқитувчилари иштирок этди.

Гулнигор САТТОРОВА

Раи-барани олам

ОҒЗАКИ БУЙРУҚНИ БАЖАРАДИ

Япониянинг «Мацуста дэн-ки» концерни муҳандислари янги видеомагнитофон ишлаб чиқдилар. Унинг афзаллиги шундаки, бир ҳафта давомида ойнаи жаҳон орқали берилган энг яхши кўрсатувларни хўжайиннинг оғзаки буйруғи бўйича ёзиб олади. Аммо видеомагнитофон фақат япон тилида ифодаланган буруқларнигина бажаради.

ГУРУҲ КАМАБ КҮЙИЛДИ

Аргентинанинг федерал полицияси болалар савдоси билан шуғулланиб келган йирик жиноятчилар гуруҳини Росарио шаҳрида қамоққа олди. Улар «Гран Росарио» деб аталган шаҳар марказий касалхонасининг табиблари бўлиб чиқди.

Улар эрсиз она бўлганларни, камбағал оилаларни ўз болаларидан тонишга мажбур этганлар. Кўпинча касалхонада фарзанд кўрганларга (наркоздан сўнг она хушига келгач) бошқа ўлик болани кўрсатишган ва «бечора» оналарга «чуқур ҳамдардик» билдиришган. Уларнинг болаларини эса Европа ва АҚШлик бойваччаларга пуллашган.

АРХЕОЛОГЛАР ТОПИЛМАСИ

Туркиянинг Диёрбокир шаҳри яқинида қадимги одамларнинг макони топилди. Археологлар топишган тош бино бундан 9 минг йил илгари бунёд этилган. Доира шаклида қурилган бинода турмуш ва меҳнат қуроллари топилди. Топилмалар кунт билан ўрганилгач, шу нарса аниқ бўлдики, қадимги одамлар балиқчилик ва овчилик билан шуғулланишган, Олимларнинг фикрича, қазийш ишларини яна давом эттириш кичик Осиё ярим ороли тарихида янги саҳифа очилиши мумкин.

ЯНГИ ҚОНУН ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Мамлакат президенти Жозе Сарней Бразилияда ўтказиладиган байрамларни нишонлаш тартибига қўл қўйди. Янги қонунга биноан эндиликда байрамлар фақат душанба кунини нишонланади. Чунки шу пайтгача ҳафтанинг ўртасида нишонланаётган тантаналар чўзилиб, мамлакат экономикасига салбий таъсир кўрсатарди. Фақат 1 январь, мамлакат мустақилликка эришган — 7 сентябрь ва 25 декабрдаги диний байрам календарь бўйича нишонланади, холос.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Вечерний Ташкент

Сиз билан ҳафтага беш кун бирга!

Ҳеч қандай муаммоларсиз турли-туман охборотлар, маълумотлар, телевидение дастури, кроссворд, сканвордлар билан танишиш имкониятига эга бўласиз.

Ҳафтадаги шайхнинг бари алоҳи бўлаётгани билан бўлишимиз мумкин.

Адрес: Саъд тўлиқаси, 133-28-95, 136-55-83 телефонидаги кўпроқ қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ҚУЙИДАГИ БЎШ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

хусусийлаштиришдан маблағлар тушиши ҳисобга олиш бошқармаси бошлиғи;

давлат ишончли вакиллари ва акциядорлик жамиятларидаги давлат ишончли бошқарувчилари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи;

устав фондида давлат улуши бўлган ҳўжалик жамиятлари фаолияти натижадорлиги мониторинги бўлими бошлиғи; бош мутахассис.

Танловда иштирок этувчилар учун шартлар:

иктисод, молия ёки ҳуқуқшунослик му- тахассислари бўйича олий маълумот; ишлаб чиқариш ёки бошқарув органлари соҳасида камида уч йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлиш;

Тошкент шаҳрида доимий рўйхати бўлиши керак.

Танлов иштирокчиларининг ҳужжатлари:

Резюме, паспорт, ҳарбий гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги диплом, меҳнат дафтарчаси.

Манзилмас: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 55-уй.

Телефонлар: 139-20-40, 139-20-45.

Футбол

**ЎСМИРЛАРИМИЗГА
ОМАД ТИЛАЙМИЗ**

Аввал хабар берганимиздек, КЕЧАдан Непалда ўсмирлар ўртасида футбол бўйича Осиё чемпионатининг саралаш баҳсларига старт берилди.

Шуниси эътиборлики, ушбу нуфузли турнирда ўз олдида фақат галаба қозонишни ният қилган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сўнгги машғулот йиғинини Таиланда ўтказди. Таиланднинг "Беккенбауэр академияси" тарбияланувчилари билан назорат учрашувда узаро куч синашган ҳамюртларимиз ажойиб спорт формасида эканликларини исботлашди. 90 дақиқа мобайнида тўлиқ устунлик қилган ёш футболчиларимиз мезбонларни 4:2 ҳисобида мағлуб эта олишди. Майдон эгалари дарвозасини ҳамюртларимиздан Бердиев, Умаралыев (2та), Тўраев ишғол этишди.

Хулоса қилиб айтганда Қирғизистон, Непал ўсмирлар терма жамоалари билан Осиё чемпионатида саралаш баҳсларида бир гуруҳда голиблик учун интилаётган ҳамюртларимизга омад ёр бўлсин деймиш.

**МИНИ-ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ
БАНГКОКДА**

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида олимпияда дастурига қиритилган спорт турлари бўйича Осиё ўйинлари бошланди.

Барча мусобақалар ёпиқ спорт залларида ўтказилиши режалаштирилган ушбу нуфузли турнирда мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ҳам голиблик сари интилиши табиий. П.Донченко бош мураббийлигида мусобақаларга жиддий тайёргарлик қилган Ўзбекистон мини-футболчиларига зафар тилаган ҳолда шуни маълум қилмазмики, ушбу баҳсларда аёллар терма жамоалари ҳам голиб бўлиш ниятида майдонга тушишди. Таркибига 13 нафар мини-футболчи қизларни жамлаган Ўзбекистон терма жамоасини иқтидорли мураббий А.Омангулов бошқармоқда.

**УЧРАШУВЛАР ТОШКЕНТДА
ЎТҚАЗИЛАДИ**

Жорий йилги футбол мавсуми нихосига етган бўлсада мухлислар яна бир нечта қизиқарли учрашувларнинг гувоҳига айланадими.

Гап шундаки, олий лигада "жон сақлаб қолишга" интилаётган "Шуртан" ва "Сўғдиёна" жамоалари плей-офф баҳсларида биринчи лигада 3-4 ўринларни эгаллаган шахаримизнинг "НБУ-Осиё" ҳамда Бухорининг "Вобкент" жамоалари билан куч синишади. Қуни кеча Ўзбекистон футбол федерациясида ана шу турнир мусобаботи билан куч ташлаш маросими бўлиб ўтди. Шуниси эътиборлики, ушбу беллашувлар шахаримиздаги "Трактор" ва "Жар" стадионларида ўтказилади.

(Ўз мухбиримиз)

**ЁШЛАР — ГИЁВАНДЛИККА
ҚАРШИ**

Бугунги кунда бутун дунё мамлакатларининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолаётган гиёвандлик ва ОИТС касаллиги жамият тарққийти учун салбий оқибатларни олиб келиши мумкин.

Гарчанд 2003 йилнинг охирида ушбу касаллик вируси юққан катта ёшдагилар ҳамда болаларнинг сони 40 миллион кишини ташкил этган бўлишига қарамай, БМТнинг Бирлашган Дастури (УОНЕЙДС) томонидан ОИВ/ОИТС эпидемияси ҳали ҳам бошланғич босқичда дея таъкидланади. Лекин сўнгги уч йил мобайнида 30.000 минг киши ушбу касалликдан вафот этгани нимадан далолат беради?

Бугунги кунда кўпчилики ОИТС ҳақида маълумотга эга дейилади. Аммо, сир эмаски, ҳозирча ОИТС ҳамда гиёвандликнинг аслида қандай хавф эканлигини аниқ тасаввур қила олмаётимиз. Аҳолининг аксарият қисми ҳанузгача бу касалликдан ўзини қандай ҳимоя қилишни билмайди. Шу боис биз ОИТС ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни ўринли деб билдик.

ОИТСнинг ўзи нима? ОИТС — орттирилган иммунитет танқислиги синдромининг қисқартирилган номи. Бу касаллик ОИВ (одам иммунитетни танқислиги вируси) орқали юзага келади. Вирусни танадаги ҳар қандай суюқликдан топиш мумкин. Инсон танасига бу вирус тушганини билмай, бир неча йиллар давомида ОИТС билан касалланганлигидан ҳам бехабар яшаб келиши мумкин. У соғлом кўринсада, бироқ бошқаларга касалликни юктириб юраверади.

Биз етарли маълумотларга эга бўлмаганлигимиз учун ОИВ билан зарарланганларга ёки ОИТС билан касалланганларга, ёхуд улар билан яшовчиларга нисбатан нотўғ-

ри фикрда бўлаамиз.

Бу инфекцияни юктирган одамлардан кундалик мулоқот орқали ҳеч кимга зиён етмаса-да, аммо бундай одамларга яқин келишдан қўрқамиз. Аксарият мамлакатларда инфекция юктирилганларнинг яқаланиб қолганини ҳам кузатиш мумкин. Бунинг охир-оқибатида эса вирус тарқатувчилар ўз касалини беркийтиб, хавфни янада ошириши мумкин.

Инсониятнинг ширин ҳаётига хавф туғдирувчи синдром дея аталмиш бундай ёвуз иллатга қарши саъй-ҳаракатларни кучайтириш мақсадида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида "Биз ОИТС ва гиёвандликка қаршимиз" шиори остида акция-танловини эълон қилгани ва бугунги кунда бу жараён давом этмоқда. Акция давомида турли семинарлар ўтказилиб, ёшлар ўртасида гиёванд моддаларни истеъмол қилиш, пала-партиш жинсий ҳаёт кечиришни ёки вақти-вақти олдини олиш борасида билим ва кўникмалар бериб борилаётир. Энг қувонарлиси шуки, бу тадбирга асосан мактаблар ўқувчилари қамраб олинган бўлсада, унда кенг жамоатчилик иштирок этиши иштиёқда бўлмоқда.

Ёкутхон СУЛАЙМОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг 1-босқич талабаси

**УСТОЗ МУСАВВИР
АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ**

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида Ўзбекистон халқ расоми Қутлуг Башаров асарлари кўрғазмаси очилди.

Ҳозирги Қамолитдин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институтида ўттиз йилдан кўпроқ вақт мобайнида талабаларга таълим берган устоз мусаввир бугун ҳаёт бўлганида саксон баҳорни қаршилар эди. Расом графика соҳасидаги на эмас, балки рангтаъсир со-

ҳасида ҳам самарали ижод қилган. Унинг асарлари нафақат юртимиз, балки Австрия, Венгрия, Миср Араб Республикаси, Италия, Ҳиндистон, Жанубий Корея каби мамлакатлар галерея ва тасвирий санъат музейларида сақланади. Истиқлол йилларида ижод-

корнинг самарали меҳнати юксак кадрланди. Мамлакатимиз Президентини Ислом Каримовнинг Фармонига биноан у «Эл-юрт ҳурмати» ҳамда «Меҳнат шурхати» орденлари билан тақдирланди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

**"050": ҚУТҚАРУВ
ХИЗМАТИ
ХАБАРЛАРИ**

Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Юнусобод тумани Амир Темура ва Шахристон кўчалари чорраҳасида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, автоулов ичида одам қисилиб қолганлиги ҳақида фуқаро Тошмухамедовдан хабар тушди.

Катта лейтенант Хусан Бобонов бошчилигида "Қутқарув хизмати" кутқарувчилари томонидан автоулов эшиги махсус кенгайтирувчи асбоб орқали очиб берилиб, инсон ҳаёти сақлаб қолинди.

Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Чилонзор тумани, Чўпонота мавзёсида жойлашган автобус бекатида номаълум киши оғир аҳволда ётганлиги ҳақида йўловчилардан хабар тушди. Лейтенант Соҳиб Қудратов бошчилигида "Қутқарув хизмати" кутқарувчилари томонидан зудлик билан тез тиббий ёрдам кўрсатилди ва тиббиёт ходимларига топширилди.

Худди шу тумандаги Қизил-

шарқ мавзёси, 25-уй, 21-хонадонда икки номаълум шубҳали шахс эшикни очмаётганлиги ҳақида Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси ЖК ва УЖКБ ходими, капитан Тошевдан хабар тушди. Катта лейтенант Урал Бозоров бошчилигида "Қутқарув хизмати" кутқарувчиси Дилмурод Тиллабоев томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали хонадон эшиги ички ишлар бошқармаси тезкор-тергов ходимларига очиб берилди.

Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 даҳаси, 19-уй йўлагидида лифт эшиги қулфланиб, ичида одамлар қолиб кетганлиги ҳақида фуқаро Расуловдан хабар тушди. Катта лейтенант Хусан Бобонов бошчилигида "Қутқарув хизмати" кутқарувчилари томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали лифт эшиги очиб берилди.

Хуснияҳон ТОЖИБОЕВА,
Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси матбуот гуруҳи ходими

Мунажжим башорати

**САРҲИСОБЛАР, ХУЛОСАЛАР КУНИ
15 НОЯБРЬ, СЕШАНБА**

Бугунги кунни мунажжимлар кўпроқ дам олиб, ўтган ишларга назар ташлаш, улар устида мушоҳада юритиб, зарур хулосалар чиқариладиган кун сифатида тавсифлашган. Шу кун нарсалар, воқеа-ҳодисаларнинг туб моҳиятига кириб бориш, ўзингиз ва қалбингизга боқиб, улар тубида нималар борлигини билиб олишингиз, муаммоларингиз, нуқсон ва хавотирларингиз сабабларини англаб олишингиз мумкин.

Қалбингиз, шуурингиз қатларидан уларни юзага, ёруғликка олиб чиқиб, қутулиш йўллариини излашингиз керак бўлади. Албатта, дилхиралиқларнинг ҳаммасидан бирварақайига ҳалос бўлиш мумкин эмас. Лекин, шундай экан деб, бошингизни деворга уришингиз ҳам ҳожати йўқ. Фақат ўз устингизда жиддий ишлашингизга тўғри келади. Бундан қўрқмай, олдинга интилинг — албатта мақсадингизга эришасиз.

Кечкурун тақдир аломатларига алоҳида эътиборли бўлинг. Турли белги, бироқ воқеанинг бошқасига тўғри келиб қолиши сингари тасодифларда муайян қонуният амал қилаётгани ёдингизда бўлсин.

Кийим-кечаклардан қулранг, яшил ҳамда ҳаворанг туслар уй-ғуналашган либослар бугун сизга омад келтириши мумкин.

СЕШАНБАДА:

- ўзингиз тез ўйлаб ҳал эта оладиган ишни бошлаш;
- сафарларга йўл олиш, кўнгилли сайлларга чиқиш;
- транспорт ва алоқа восталарига оид муаммоларни ҳал этиш;
- одамлар, буюмлар ва воқеалар юзасидан илк таассуротларга ишониб иш қўриш.

Ўз таассуротларингиз ва фикр-мулоҳазаларингизни тўпорилаш изхор этишдан, катта жисмоний куч ва аниқликни талаб этадиган ишлар билан шуғулланишдан ўзингизни тийинг.

**ЯРИМ ФИНАЛ
САРИ
МУҲИМ ҚАДАМ**

Ўтган жума куни Қарши шаҳрида Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг «Насаф» — «Пахтакор» жамоалари ўртасидаги дастлабки учрашуви бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, «Пахтакор» жамоаси футболчиларининг аксарияти Ўзбекистон терма жамоаси таркибида жаҳон чемпионатида саралаш турнирида иштирок этганликлари сабабли ушбу баҳс қолдирилган эди. Мутахассислар мухлислар мазкур учрашувини шиддатли курашларга бой кечади, деб таҳмин қилишганди. Сабаби, чемпионат ўйинларида Қаршида «Насаф» тошкентликларни мағлубиятга уратган бўлса, «Пахтакор» марказий стадионидидаги учрашувда майдон эгаларининг қўли баланд келган эди. Ҳар сафар кубок беллашувларининг муросаси ўтишини ва унда қутилмаган натижалар юзага келишини ҳисобга олганда «Насаф» «Пахтакор» жамоасига муносиб қаршилик кўрсатиши қутилганди. Бирок, меҳмонлар ушбу баҳсга ҳар томонлама жиддий тайёргарлик қўришганлигини исботлашди. 90 дақиқа мобайнида майдонда тўпни олиб юришда, жамоадолларига тўпни аниқ етказиб беришда, майдон марказини эгаллаб, рақиб дарвозаси олдида хавфли вазиятлар содир этишда тўлиқ устунлик қилган Равшан Хайдаров шогирдлари мухлислари кўнглини шод этиб учрашувда 4:1 ҳисобида галабага эришишди. Тўпларни дарвозазаларга «Пахтакор»дан Соломин, Кирьян, Желаров, Копадзе, «Насаф»дан Бердиевлар йўллашди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ



**Бош муҳаррир
Ақмал АКРОМОВ**

Манзилми: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажинг — 2 босма таъриф офсет уезиди босилди.
2495 нусxada босилди. Қўни биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

*Душанба, сешанба, қорнашба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтачига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифланиди.

«Шарқ» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси босмақонаси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.